

КОНТЕНТ ТАҚДИМ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ФОРМАТЛАРИ (YOUTUBE SHORTS МИСОЛИДА)

Амрулло Каримов

Филология фанлари доктори, профессор

Аннотация: Мақолада контент тақдим этишнинг замонавий форматлари ҳақида сўз боради. Жаҳон амалиётида ўз ўрнига эга бўлган YouTube хилма-хил ва ранг баранг категориядаги маҳсулотлари билан аудиторияни кенгайтиришда давом этаётгани, кейинги пайтда оммалашаётган YouTube Shorts формати таҳлил этилган.

Калит сўзлар: формат, контент, YouTube, Instagram, TikTok, YouTube Shorts, блог, тизер, трейлер.

MODERN CONTENT PRESENTATION FORMATS (A CASE STUDY OF YOUTUBE SHORTS)

Abstract: The article examines modern formats of content presentation in the digital media environment. It analyzes the activities of YouTube, which continues to expand its audience through diverse content and a wide range of thematic categories. Particular attention is given to the YouTube Shorts format, which has gained significant popularity among users in recent years.

Keywords: format, content, YouTube, Instagram, TikTok, YouTube Shorts, blog, teaser, trailer.

СОВРЕМЕННЫЕ ФОРМАТЫ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ КОНТЕНТА (НА ПРИМЕРЕ YOUTUBE SHORTS)

Аннотация: В статье рассматриваются современные форматы представления контента в цифровой медиасреде. Анализируется деятельность платформы YouTube, которая благодаря разнообразию контента и широкому спектру тематических категорий продолжает расширять свою аудиторию. Особое внимание уделяется анализу формата YouTube Shorts, который в последние годы приобрел широкую популярность среди пользователей.

Ключевые слова: формат, контент, YouTube, Instagram, TikTok, YouTube Shorts, блог, тизер, трейлер.

Журналистика амалиётдан маълумки, медиалар омма талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб фаолият юритади.

Танланаётган мавзу ва тайёрланаётган контент давр руҳи ва нафаси билан бевосита боғлиқ бўлиши самарадорликни белгилайди.

Хитой Халқ республикасининг Тяньцзинь педагогика университетида олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, “шортс”, “тикток” ва шу каби қисқа давом этувчи видеоконтентлар кўнгилочар аҳамият касб этиши билан бирга, миёга шикаст етказиши аниқланган.

Тадқиқотда иштирок этганлар кунига 95 дақиқа видеоролик томоша қилишган ва бир неча ойда кўрқинчли ўзгаришлар кузатилган. Миёда деградация жараёни кечган.

Тадқиқотда қатнашганларнинг уйқу сифати бузилиб, ухлаш учун кўп вақт сарфланган, сифат 30% га тушиб кетган, ярмидан кўп одамда доимий уйқусизлик бошланган.

Концентрация пасайиши ҳам пайдо бўлган. Қисқа видеолар мухлислар диққатини ўртача 47 сония ушлаб турган ва кейин яна телефонга қўл чўзишган.

Олдинги тажрибаларда бу 2,5 минут эди⁴². Бу ҳақда америкалик журналист ва ёзувчи PsyPost илмий янгиликлар нашрининг асосчиси, ношир ва бош муҳаррир Эрик В.Долан ўз мулоҳазаларида келтириб ўтган.

Жаҳон олимлари ва медиа мутахассислар томонидан бу борада қатор илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, қозоғистонлик олимлар қисқа видеоларнинг Z авлод аудиториясига таъсирининг медиа хусусиятлари, YouTube, Instagram, TikTokдаги замонавий аудитория орасида Shorts и Reelsнинг машҳурлиги ўрганилган. Шунингдек, замонавий медиа манзарасида “сториз” форматининг ёш авлодга таъсири бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳам кўриб чиқилган⁴³.

Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги Молия университети тадқиқотчилари И.Малинин, Д.Карякин интернетдаги қисқа видеолар феномени, уларнинг машҳурлиги сабаблари, тенденциялар ва улардан реклама учун фойдаланиш усуллари кўриб чиқишган⁴⁴.

Юқорида тилга олинган ҳар икки тадқиқот ҳам соҳалар кесимида, хусусан дастлабкиси, социология билан, кейингиси иқтисодиёт билан бевосита боғлиқ. Қисқа видеороликлар исталган соҳа учун самарали формат сифатида бозорга кириб борди.

Катта ҳажмдаги экран маҳсулотлари кам кўрилиши натижасида, қисқа давом этувчи контентлар омма эътиборига ҳавола этилмоқда. Йирик интернет-видеоплатформа ва ижтимоий тармоқ сифатида 2005 йилдан бери фаолият юритаётган YouTube ташриф буюрувчилар сони бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. 2024 йил январь ҳолатига, ҳар ой 2,5 млрд фойдаланувчи сайтга ташриф буюради. Кун давомида 1 млрд соат видео кўрилади. 2019 йил маълумотларига кўра бир дақиқада 500 соат видеоконтент платформага жойланади⁴⁵. Маълумотлардан кўриниб турибди, YouTube жаҳон медиа бозорини турли мазмундаги контентлар билан эгалламоқда.

⁴²<https://www.psypost.org/does-tiktok-really-cause-brain-rot-new-study-links-short-video-addiction-to-brain-abnormalities/>, 16.05.2026.

⁴³<https://bulletin-journalism.kaznu.kz/index.php/1-journal/article/view/1812>, 16.05.2026.

⁴⁴<https://cyberleninka.ru/article/n/fenomen-korotkih-video-v-internete-prichiny-populyarnosti-tendentsii-v-proizvodstve-i-sposoby-ispolzovaniya-dlya-prodvizheniya/viewer>, 16.05.2026.

⁴⁵<https://ru.wikipedia.org/wiki/YouTube>, 16.05.2026.

Айни пайтда YouTube хилма-хил ва ранг баранг категориядаги маҳсулотлари билан аудиториясини кенгайтиришда давом этмоқда. Хусусан, мусиқий клиплар, видеоклиплар, янгиликлар, қисқа ва тўлиқ метражли бадий фильмлар, ҳужжатли фильмлар, тизерлар, трейлерлар, телевизион реклама роликлари, тўғридан-тўғри трансляциялар, видеоблоглар ва бошқалар. Контентларнинг асосий қисми корпоратив ҳомийлар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар, индивидуал фойдаланувчилар томонидан яратилади. Етакчи оммавий ахборот воситалари, янгиликларга ихтисослашган ва кўнгилочар контентлар билан машҳурликка эришган корпорациялар ҳам кенгроқ аудиторияга эришиш учун мазкур платформадан кенг фойдаланишади. Аммо, масаланинг бошқа томони ҳам борки, замон шиддати, тезкор давр талаби узоқ давом этувчи кўрсатувларга эҳтиёжни сусайтирди. Тез бошланиб, тез тугайдиган, мақсадни лўнда, аниқ ва тушунарли қилиб етказадиган контентлар кўпайишининг боиси ҳам шунда. YouTube мутасаддилари шу талабдан келиб чиқиб, YouTube Shortsни йўлга қўйишди.

YouTube Shorts – 3 дақиқагача бўлган қисқа, вертикал видеоларни яратиш, томоша қилиш ва улашиш имконини берувчи формат бўлиб, асосан смартфон фойдаланувчилари учун мўлжалланган. TikTok ёки Инстаграм Reels сингари тезкор ва қизиқарли контент яратишга кўмаклашади. YouTube Shortsнинг бир нечта афзалликлари мавжуд: биринчидан, платформанинг ўзидаёқ тасвирга олиш, улашиш мумкин; иккинчидан, махсус воситалар билан видеони тез тайёрлаш, хусусан, мусиқа билан бойитиш, матн ёзиш имконияти бор; учинчидан, тасмада видеолар жуда тез айланади ва кенг аудиторияни эгаллайди; тўртинчидан, Shorts учун ҳеч қандай махсус қурилма талаб этилмайди, ижодкорлик учун эса чегара белгиланмаган; бешинчидан, видеолардан даромад олиш мумкин.

Биз юқорида YouTube Shortsнинг пайдо бўлиши, оммалашуви ва олиб борилаётган тадқиқотларга тўхталдик. Қуйида эса баъзи мисолларга мурожаат қиламиз. Мазкур формат ижодий қобилиятни синаш, янги ғоялар кашф қилиш ва бошқалар билан коммуникация ўрнатишда ёрдам беради. @tabiat_1uz блоги марказида фусункор она табиат ётади. www.youtube.com/@tabiat_1u блоги 2024 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтган. Салкам 23 000 обуначиси бор. Шу давр мобайнида 377 та видео юкланган. Умумий просморт 12 607 331га тенг. “Дунёдаги энг ноёб гуллардан бири Ўзбекистонда ўсишини биласизми?” деб бошланувчи қисқа видеода тош атиргул ҳақида ахборот берилади. Бу гул халқ орасида семпервивум (“Каменная роза”) номи билан машҳур бўлган, қурғоқчиликка чидамли баргли ўсимлик ҳисобланади. Муаллиф гул ҳақида қисқа дақиқаларда бир нечта маълумотни берган: а) гулнинг тошлар орасида ўсиши; б) камёб гул эканлиги; в) хонакилаштирилгани; г) бир нечта кўринишда мавжудлиги. Видеога сокин ва қалбларга етиб борадиган мусиқа қўйилган.⁴⁶

⁴⁶<https://www.youtube.com/shorts/yDjTfi1MSM4>, 16.05.2026.

Блог учун жойланган қисқа видеороликлар тематикаси: музликлар, яширин камерада қизил китобга киритилган ҳайвонлар; бетакроп манзиллар; қўзиқоринлар; қишда бўрилар тўдаси изидан; катта ровоч ўсимлиги ҳақида ва бошқаларни қамраб олган. Блогер айрим нохуш ҳолатларга ҳам эътибор қаратади. Нобуд бўлган лочин қуши ҳақидаги қисқа видеоролик омма эътиборини тортади. Лочиннинг табиатга керакли жонзотлиги ҳақида гапирилди. Муаллифнинг сўнгги гапи ҳам маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга: “Буни кўмиб қўямиз. Табиатни асранглар ўртоқлар, ҳайвонлар ҳам биз каби яшаш ҳуқуқига эга”⁴⁷. “Маҳорат билан тайёрланган маънавий-маърифий йўналишдаги кўрсатув ҳам ахборот бозорида товар қийматига эга бўлади ва шу зайл тижорийлашув жараёни бошланади. Бунда журналистда омма психологиясига таъсир этувчи рекреатив технологияларни қўллаш борасида тажриба ва уқув зарур”.⁴⁸ Юқорида таҳлил этилган www.youtube.com/@tabiat_1u блогида аудитория психологиясига таъсир этувчи технологиялардан унумли фойдаланилган. Инсон табиатан дам олишга, саёҳатга мойил. Шунинг учун, бундан контентлар оммага тез таъсир қилади.

Бундай ижодий маҳсулотлар оммалашиши, экотуризм ривожини учун хизмат қилиши, ички ва ташқи сайёҳлар оқимини кўпайишига ҳисса бўлиб қўшилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, YouTube Shorts контент тақдим этишнинг замонавий формати сифатида оммалашиб борар экан, яхшилик, одамийлик, меҳроқибат, ўзаро ишонч каби хислатларни тарғиб қилувчи ижтимоий лойиҳалар кўпайиб бориши ижобий жиҳат эканлигини инкор этмаган ҳолда, миллий тарбияга зид, фаҳш, хиёнат, маънавий қашшоқликни тарғиб қилувчи контентлар ҳам пайдо бўлмоқда.

Мисол учун, Актриса Нилуфар Ҳамидова иштирокидаги қисқа видеороликлар кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётгани фикримизга далил бўлади.

Масаланинг бошқа томони ҳам борки, бугун YouTube Shortsда рекреатив функция устуворлик қилаётган контент кўпроқ тарғиб этиляпти.

Жаҳон амалиётида ўз ўрнига эга бўлган YouTube журналистикаси Ўзбекистонда ҳам фикр берадиган, дунёқарашни кенгайтирадиган, таҳлилга ундайдиган қисқа видеороликлар уйғунлигида ривожланиши керак.

⁴⁷<https://www.youtube.com/shorts/Mk0yxmXTd34>, 16.05.2026.

⁴⁸Каримов А. Рекреативлик – замонавий тележурналистиканинг глобал қонунияти сифатида, Т.: “Адабиёт”, 2021.